



« 18 » январь 2019 у.

№ 48

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикасида “Ақлли шаҳар” технологияларини  
жорий этиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида**

Аҳоли турмуш даражасини ошириш, фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш ва ҳудудларни ривожлантириш учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

**1. Қуйидагилар:**

Ўзбекистон Республикасида “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш Концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб аталади) 1-иловага мувофиқ;

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш Концепциясини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда Чора-тадбирлар режаси деб аталади) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга Концепция ҳамда Чора-тадбирлар режасида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишда ва илмий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда белгиланган тартибда кўмаклашсин.

3. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

давлат-хусусий шериклик механизмларини татбиқ этиш ҳамда илмий-таълим муассасалари, нодавлат ноижорат ташкилотлари, мустақил экспертлар (маслаҳатчилар), инвесторларни, шу жумладан хорижлик инвесторларни кенг жалб этиш йўли билан Концепция ва Чора-тадбирлар режасида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини;

Концепция ва Чора-тадбирлар режасида назарда тутилган тадбирларга мувофиқ аҳоли турмуш даражасини ошириш, фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш ва ҳудудларни ривожлантириш учун муносиб шароитлар яратилишини таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмурадов ва Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 18 январдаги 48-сон қарорига  
1-илова

## **Ўзбекистон Республикасида “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш Концепцияси**

Бугунги кунда Ўзбекистонда “Ақлли шаҳар” инновацион технологияларини жорий этишнинг бошланғич босқичи давом этмоқда. “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш бўйича Тошкент шаҳрида “Хавфсиз шаҳар”, “Ақлли ҳисоблагичлар”, “Ақлли транспорт”, “Ақлли тиббиёт” йўналишлари бўйича дастлабки синов лойиҳаларини режалаштириш ва амалга ошириш йўлга қўйилмоқда. Нурафшон шаҳрида замонавий шаҳар инфратузилмасини жорий этиш бўйича кенг қамровли ишлар билан бирга “Tashkent City” и “Delta City” лойиҳалари доирасида замонавий шаҳарсозлик инфратузилмасини жорий этиш бўйича комплекс ишлар амалга оширилмоқда.

Бунда ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасининг ривожланмаганлиги, шаҳарлар инфратузилмасининг сезиларли даражада жисмонан ва маънан эскирганлиги “Ақлли шаҳар” технологияларини самарали жорий этишга тўсқинлик қилувчи асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Буларнинг ҳаммаси телекоммуникация тармоқларини модернизация қилиш чора-тадбирларини кўриш ҳамда шаҳарлар инфратузилмасини реконструкция қилиш учун йирик инвестиция манбаларини излашни талаб этади.

Ушбу асосда олдинда турган муҳим вазифалардан бири хорижий мамлакатлардаги мазкур йўналишлар бўйича ҳал қилинган қарорларни чуқур таҳлил қилиш, тегишли тажриба лойиҳалари ҳамда лаборатория ва дала тадқиқотлари доирасида амалий тажрибаларни ўтказиш, шунингдек, мавжуд шароитларга мос равишда инвесторлар учун қизиқарли инвестиция схемаларини ва мослашувчан бизнес моделлари бўйича янги таклифлар ишлаб чиқиш ва уларнинг мавжуд вариантларини излаб топишдан иборатдир.

Жаҳон амалиётида давлат-хусусий шерикликни йўлга қўйиш, ижтимоий аҳамиятга эга вазифаларни ҳал этишга хусусий бизнесни жалб этиш орқали ушбу муаммоларни ҳал қилиш йўллари ишлаб чиқилган.

“Ақлли шаҳар” технологияларининг жорий қилиниши ягона рақамли муҳитни шакллантириш орқали шаҳарни бошқариш самарадорлигини оширади, шу билан бирга шаҳарни бир бутун ҳолатда бошқаришга имконият яратади.

Шу муносабат билан, юқорида келтирилган вазифаларнинг алоҳида аҳамияти, шунингдек, мазкур йўналишда давлат сиёсатининг асосий ва устувор йўналишларидан келиб чиқиб “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш Концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб аталади) ишлаб чиқилди.

### **1-боб. Концепциянинг асосий мақсади ва вазифалари**

1. Ушбу Концепциянинг асосий мақсади “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш орқали шаҳарларнинг замонавий муҳандислик-коммуникация

инфратузилмаларини яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат, жумладан:

шаҳарлар аҳолиси ва меҳмонлар учун қулай муҳит шакллантириш, яшаш сифатининг барқарор ўсишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

давлат харажатлари самарадорлигини, шу жумладан давлат-хусусий шерикликни йўлга қўйиш орқали ошириш;

хорижий услубларга мос келувчи барча “Ақлли шаҳар” технологияларини режали жорий этиш;

инновацион қарорлар қабул қилишни йўлга қўйиш орқали шаҳар хизматлари ва йўл-транспорт инфратузилмаси ишларининг самарадорлиги ошириш.

2. Концепциянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

“Ақлли шаҳар” технологиялари, шу жумладан рақамли инфратузилмани жорий этишнинг самарали ҳамда ҳуқуқий-меъёрий, ташкилий ва институтционал асосларини яратиш;

ақлли хизматларга бўлган талабни рағбатлантириш механизмларини яратиш;

ақлли хизматларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш;

хизматлар кўрсатиш сифатини ва аҳоли турмуш даражасини ошириш;

шаҳарларнинг муҳандислик-коммуникация ҳолати билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, ишга яроқсиз ва маънан эскирган шаҳар инфратузилмасини янгилаш;

ахборот-коммуникация инфратузилмасини таъминлаш учун ҳамда интернет тармоғига кириш ва унинг тезлигини ошириш учун қулай шароитлар яратиш тизимини шакллантириш;

шаҳар аҳолиси билан шаҳарларда хизмат кўрсатиш тизимини баҳолаш ва шаҳарлар ривожланишининг барча соҳаларида тажриба алмашиш юзасидан алоқа ўрнатилишини таъминловчи “Ақлли шаҳар” платформасини яратиш;

рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда шаҳарларни ўрганиш тизимини ривожлантириш, шу жумладан сайёҳларга очиқ маълумотлар базасини тақдим этиш, рақамли технологиялар тизимини қайта ишлаб чиқиш ва жорий этишни жадаллаштириш;

энг талабгор “Ақлли шаҳар” технологияларини республиканинг барча шаҳарларида жорий этишни кенг қамровли режалаштириш ишларини бажариш.

## **2-боб. “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш лойиҳаларини амалга оширишнинг асосий йўналишлари**

### **1. “Ақлли транспорт”**

“Ақлли транспорт” – бу барча транспорт воситалари ва инфратузилма тизимининг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги комплекс технологик ечимларни билдиради. Ушбу алоқа тизими орқали йўлларда вазиятни тўлиқ аниқлаш, шунингдек, мобил операторлар маълумотлари ва GPS сигналларидан фойдаланган ҳолда транспортлар оқимини назорат қилиш имконияти яратилади.

“Ақли” шаҳар транспорт тизимининг ривожланиши, шунингдек, янги транспорт турлари ва транспортларга хизмат кўрсатиш жойлари, трафикни бошқариш ва назорат қилиш, энг мақбул йўлни ҳисоблаш учун турли иловаларнинг пайдо бўлиши транспортлар ҳаракати жараёнини ва унга мослашувчанлик ҳолатини яхшилайти ҳамда масофани ўтишга кетадиган вақтни қисқартириш имкониятини яратади.

“Ақли транспорт” йўналишида технологик ечимларни жорий қилиш орқали қуйидагилар кўзда тутилади:

йўл ҳаракатини бошқариш тизимини автоматлаштириш ва транспортлар оқими кўрсаткичларини мониторинг қилиш, шу жумладан реал вақт режимида ҳаракат шартларини мониторинг қилиш;

жамоат транспортини бошқаришни дастурий таъминлаш;

йўл ҳаракати қатнашчиларига автоматлаштирилган тизим орқали йўлдаги шароитлар ва вазиятлар, жамоат транспортининг ҳаракат жадваллари тўғрисидаги маълумотларни етказиш;

жамоат транспортда хавфсизлик тизимлари;

ахборот узатиш технологияларини, яъни маълумотларни тўплаш ва сақлаш жойига узатишни таъминлайдиган 5G стандартига мос келувчи алоқа воситаларини ва бажарувчи қурилмаларни, кенг қамровли Интернет тармоғи ва бошқа элементларни жорий этиш;

“Ақли шаҳар” учун Интернет тармоғининг шаҳар платформаларини жорий қилиш;

транспортларни жойлаштириш учун бўш жойлар ва уларнинг узоқлигини аниқловчи “Ақли жойлаштириш” технологияси;

автомобиль ва йўллардан фойдаланиш учун электрон тўлов тизимлари;

йўловчиларни ташиш ҳолатини узлуксиз мониторинг қилиш;

геоахборот технологиялари ва навигация.

## **2. «Ақли таълим»**

“Ақли таълим” – бу таълим онлайн-платформалар ва оммавий очик онлайн курслар тарзидаги технологик ечимлар тўпламини, виртуал реал ҳолат билан тўлдирилган илғор визуализация ва масофавий кириш технологиялари ва бошқаларни ўз ичига олган технологик ечимлар тўпламидир.

“Ақли таълим” технологик ечимларини жорий этиш орқали қуйидагилар назарда тутилади:

ўқувчиларни синаб кўриш имконияти билан сунъий интеллект базасида таълим бериш тизими;

шахсни интеллектуал аниқлаш тизими;

масофавий таълим ва электрон ўқитиш;

таълимнинг барча босқичларини қамраб олган электрон журналлар;

онлайн ва офлайн услубларидаги интеграция тизимлари;

қулай ва мослашувчан таълим технологияси;

адаптив ва мобил ўқитиш технологиялари.

### 3. “Ақлли тиббиёт”

“Ақлли тиббиёт” – бу аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва ахборот беришнинг бутун жараёнини автоматлаштиришнинг марказлашган тизимидир.

“Ақлли тиббиёт” технологик ечимларини жорий этиш орқали қуйидагилар назарда тутилади:

- мижозлар тўғрисидаги биотиббий маълумотларнинг ягона платформаси;
- тиббий карталарининг тармоқли тизимини жорий қилиш;
- масофавий диагностика. Тиббий интернет ва мобил иловалар асосида инсон саломатлигини масофадан мониторинг қилиш тизими;
- виртуал тиббий кўрикдан ўтказиш;
- виртуал шифохона хизмати;
- электрон рецептлар;
- телеметрия ва симсиз алоқадан фойдаланган ҳолда тиббий ёрдамни уйда олиш;

илмий асосланган тиббиёт (сунъий интеллект ва телекоммуникациялар соҳасидаги техник янгиликлар асосида яратилган қурилмаларни қўллаш орқали);

даволаш натижаларидан келиб чиқиб кўрсатилган хизмат учун тўловни амалга ошириш (шифокорга ташриф буюрганларнинг сонига эмас, балки даволаш натижаси бўйича тўлов амалга оширилади);

тиббий маълумотлар, касалланишлар режалари, касалланиш ва тузалиш жараёнларини таҳлил қилиш учун сунъий интеллект технологияларини жорий этиш;

реал вақт жараёнида дори-дармон захираларини кузатиш имкониятини берувчи интеграциялашган (GPS ва мобил платформалар билан жиҳозланган) тиббий пунктлар.

### 4. “Ақлли энергетика тизими”

“Ақлли энергетика тизими” – бу барқарор, иқтисодий самарали ва ишончли энергия тизими бўлиб, энергия ишлаб чиқариш, инфратузилмаси ва истеъмолчи хизмати кўрсатиш истеъмолчилар ва технологияларни рағбатлантириш орқали интеграция қилинади ва мувофиқлаштирилади.

“Ақлли энергетика (“ақлли тақсимлаш тармоқлари”, “ақлли назорат-ўлчов тизимлари” ва бошқалар) ва энергия тежовчи технологиялар”дан (“ақлли чироклар”, “ақлли ёритгичлар”) фойдаланишга ўтиш истеъмол қилинаётган электр энергияни тежаш, уни узатиш жараёнидаги узилишларда йўқотишларни камайтириш, ускуналар учун капитал сарф-харажатлар ва авария ҳолатлари сонини камайтириш, шунингдек, электр тармоқларининг мустаҳкамлиги ва сифатини оширишга имконият яратади.

“Ақлли энергия тизими” технологик ечимларини жорий этиш орқали қуйидагилар назарда тутилади:

- маълумотларни йиғиш ва оператив диспетчерлик бошқариш тизими;
- авария ҳолатларида ўчиришларни бошқариш тизими;
- мижоз билан ўзаро муносабатларни бошқариш тизими;
- геоахборот тизими;
- кучланишни мониторинг қилиш учун автоном сезгичлар;

ҳар хил турдаги қурилмаларнинг интеграциясини ҳамда маълумотларни олдиндан таҳлил қилиш ва йиғишни таъминловчи интернет қурилмаларининг рақамли платформалари;

янги авлод гибрид батареялари, юкори ўтказувчан қурилмалар, литий аккумуляторлари;

“ақлли” ўлчов тизимлари, истеъмолчилар фаоллигини таҳлил қилиш;

янги таҳлилий ҳисоб-китоб ва тўлов хизматлари (тегишли молиявий технологияларни ривожлантириш орқали);

энергия ресурслари истеъмолини ҳисоблашнинг интеллектуал тизимлари.

### **5. “Ақлли сув таъминоти ва оқава сув”**

“Ақлли сув таъминоти ва оқава сув” сел оқимларини тақсимлаш тизими, хавфсизлик ва назорат, уни бошқариш ҳамда тошқинлардан огоҳлантириш тизимларини интеграция қилиш йўли билан онлайн-гидравлик моделлар, автоматлаштирилган сув ҳавзалари, сувни тарқатиш ва унинг йўқотилишини автоматик аниқлаш базаси орқали сув таъминотини бошқаришдан иборат.

“Ақлли сув таъминоти ва оқава сув” технологик ечимларини жорий этиш орқали қуйидагилар назарда тутилади:

географик ахборот тизимини жорий этиш орқали ягона ахборот тизими;

сув таъминоти ва оқава сув истеъмолчилари ва кўрсатилган хизматлар ҳажмларини ҳисобга олиш тизими;

сув ўтказгичлар ва оқава сув тармоқлари йўналиш хариталарининг электрон шакллар тизими;

босим регуляторлари ва электрон узаткичлар ўрнатилган тармоқларда сув таъминоти ва оқава сув тизими;

марказий диспетчерлик хизмати - ишларини автоматлаштириш тизими ва онлайн тизимда мониторинг олиб бориш;

сув оқиб кетиши ҳолатлари аниқланганда сув таъминотини тўхтатиш тизими;

фавқулодда вазиятларда бутун уйни иситиш кранларини ёпиш тизими;

авария ҳолатлари содир бўлганда сув билан таъминловчи насосларни ўчириш тизими;

насос ва жўмраклар ишлашини бошқариш орқали сақлаш тизимидаги сув сатҳини бошқариш тизими;

сенсорли сместителлар ва кранларга насадкалар ўрнатган ҳолда амалга ошириладиган сув таъминоти технологияларини жорий қилиш.

### **6. “Ақлли уй-жой коммунал хўжалиги”**

“Ақлли уй-жой-коммунал хўжалиги” – бу барқарор ва иқтисодий самарали уй-жой коммунал хўжалиги ҳисобланиб, интеллектуал ҳисоблаш, мониторинг ва назорат орқали коммунал ресурслар ва хизматларнинг истеъмолини юритиш ва таъминлаш, шунингдек, истеъмолчиларнинг манфаатлари ва технологиялар ривожланиши ҳисобга олинган ҳолда хизмат кўрсатиш орқали мувофиқлаштирилади;

“Ақлли уй-жой-коммунал хўжалиги” технологик ечимларини жорий этиш орқали қуйидагилар назарда тутилади:

кейинчалик тегишли инстанцияларга етказилиши ҳисобга олинган ҳолда ҳисоблагичларнинг кўрсатишини аниқлаш жараёнини автоматлаштириш;

уйни энергия билан таъминлаш ҳолати тўғрисидаги маълумотни истеъмолчининг қурилмасига етказиш тизимлари;

коммунал хизмат кўрсатиш сифатини назорат қилиш бўйича махсус хизмат кўрсатиш ва шахсий офислар тизими;

коммунал ресурслар истеъмолчилари ва таъминотчилари ўртасида маълумотлар алмашинувини таъминлаш бўйича smart-ҳисоблагичларни (“ақлли ҳисоблаш асбоблари”) жорий қилиш, маълумотлар тизими;

тўловларни мониторинг қилиш тизимлари;

инфратузилмани бошқариш тизимлари;

энергия ресурсларини ўзлаштириш ҳолатларини аниқлаш ва унинг олдини олиш тизимлари;

энергия самарадорлигини ошириш усуллари ва тизимлари;

сувни тежовчи технологияларни қўллаш орқали сув сарфини ва сув таъминоти нархини камайтириш тизимлари;

истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг очик платформалари.

## 7. “Ақлли қурилиш”

“Ақлли қурилиш” – бу қурилиш соҳасида объектларни ташкил қилиш, ўзгартириш ёки бузиш билан боғлиқ ташкилий, тадқиқот, лойиҳалаштириш, қурилиш-монтаж ва ишга тушириш ишларини ўз ичига олган инновацион технологиялардир.

“Ақлли қурилиш” технологик ечимларини жорий этиш орқали қуйидагилар назарда тутилади:

қурилишда мониторинг ва оператив бошқарув тизими;

объектларни қуриш жараёнини соддалаштириш ва қуриш муддатларини қисқартириш тизими;

замонавий ва самарали уй-жойлар қуриш стандартлари;

янги қурилиш материаллари;

қурилиш учун лойиҳа ҳужжатлари тизими;

меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай ва ишбай-мукофотлаш тизимини қўллаш;

қурилиш жараёнларини визуал моделлаштириш;

омборларни бошқарув тизимлари.

## 8. “Ақлли уй”

“Ақлли уй” – бу уй эгасининг истаги ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уйдаги барча коммуникация тармоқларини сунъий интеллект орқали бошқариш, дастурлаштириш ва мослаштириш мақсадида бирлаштиришга имконият яратадиган интеллектуал бошқариш тизимидир.

“Ақлли уй” технологик ечимларини жорий этиш орқали қуйидагилар назарда тутилади:

ёнғинга қарши ва қўриқлаш сигнализацияси;

эркин фойдаланишнинг назорат тизими;

авария ҳолатларни назорат қилиш (сув оқиб кетиши, газ чиқиши, электр тизимидаги авариялар);

ички ва кўча ёриткичларини бошқариш;

энергия истеъмолини назорат қилиш, катта кучланишларни чеклаш ва истеъмол тармоғи фазаларига кучланишни тақсимлаш;

энергияни тежайдиган асбобларни қўллаган ҳолда электр таъминотининг захира манбаларини бошқариш;

интернет орқали уйнинг барча тизимларини бошқариш ва узоқдан мониторинг қилиш;

истеъмолчининг smart-қурилмасига GSM-модуль орқали уйдаги сув таъминоти тизимининг ишлаши ҳақидаги маълумотларни етказиш;

иссиқлик сарфини, кондиционерни бошқаришни ва иссиқликнинг оптимал тарқалишини мониторинг қилишнинг интеллектуал сирсори тизими;

реал вақт режимида объектлар қурилишини лойиҳалаштириш жараёнини масофадан бошқариш.

## **9. “Ақлли ҳокимият”**

“Ақлли ҳокимият” – бу аҳолини безовта қиладиган долзарб муаммолар бўйича маҳаллий ҳокимият органларига тегишли таклифларни ишлаб чиқиш ва тақдим этишга қаратилган инновацион ечимлар ва тизимлардир.

“Ақлли ҳокимият” технологик ечимларини жорий этиш орқали қуйдагилар назарда тутилади:

Ижро этувчи ҳокимият вакиллари ва шаҳар аҳолиси ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимининг яхши ишлаши, шаҳар маъмурияти ахборотларнинг очиклиги;

фуқароларнинг шаҳар бошқарувидаги фаоллиги;

шаҳарларни стратегик режалаштириш ҳужжатларининг долзарблиги;

шаҳар маъмуриятининг расмий сайтларидан кенг фойдаланиш;

тўлов воситаси билан шахснинг электрон гувоҳномаси;

юқори технологияларни, юқори тезликдаги Интернет тармоғини кенг спектрда қўллаш ва ундан фойдаланиш;

wi-Fi га уланиш, шаҳар мобил иловаларининг мавжудлиги ва сифати;

маҳаллий солиқлар ва йиғимлар учун тўлов тизимлари;

ариза ва шикоятлар бериш учун узатувчи қурилмалардан ва фуқароларни огоҳлантиришнинг замонавий усулларида фойдаланиш.

## **10. “Ақлли маҳалла”**

“Ақлли маҳалла” – бу ҳаёт сифатини яхшилаш, қулайлик ва хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, шаҳар ва аҳоли харажатларини оптималлаштириш мақсадида мавжуд инфратузилмага “Ақлли шаҳар” илғор технологияларини жорий қилишдир.

“Ақлли маҳалла” технологик ечимларини жорий этиш орқали қуйдагилар назарда тутилади:



такси чақириш ва унинг тўлови учун интернет-хизмат ишларини йўлга қўйиш;

йўл ҳаракати ҳолатини онлайн режимда мониторинг қилиш имкониятлари;  
электромобиллар учун ёнилғи қўйиш шохобчалари тармоғининг мавжудлиги;  
каршеринг (автомобилларни қисқа муддатга ижарага бериш) хизматини кўрсатиш;

интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг сони ва фаоллиги;  
талабаларнинг электрон карталарини қўллаш;  
меҳнат бозори ҳақида маълумотларнинг мавжудлиги;  
чиқиндиларни руҳсатсиз ташлашнинг оқибатларини бартараф этишда жамоатчиликнинг иштироки.

### **3-бобо. Концепцияни амалга ошириш механизмлари ва босқичлари**

1. Концепция Ўзбекистон Республикасида “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш Концепциясини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасида (кейинги ўринларда Амалий чора-тадбирлар режаси деб аталади) белгиланган тадбирларни ўз вақтида, сифатли, тўлиқ бажариш йўли билан Концепция амалга оширилади.

2. Шаҳар ва ҳудудлар инфратузилмасини бошқаришнинг замонавий интеллектуал тизимини жорий қилиш, шу жумладан уй-жой коммунал хизматлари, транспорт логистикаси, фавқулодда хизматлари кейинчалик “Ақлли шаҳар” ягона комплексига бирлаштириш ва интеграция қилиш мувофиқлаштирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:  
Амалий чора-тадбирлар режасини амалга ошириш бўйича масъул вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда Амалий чора-тадбирлар режасини амалга ошириш бўйича батафсил маълумотлар киритилишини таъминлайди.

4. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қуйидагиларни таъминлайди:

Концепцияни амалга оширишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда киритиш;

ҳалқаро ташкилотлар ва хорижий инвесторларни жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш;

Концепциядаги тегишли тадбирларнинг бажарилиши бўйича мунтазам мониторинг ташкил этиш;

ҳалқаро бозорда “Ақлли шаҳар” технологияларининг маҳаллий ишланмаларни қўллаб-қувватлаш ва экспорт салоҳиятни ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш;

“Ақлли шаҳар” технологияларини ривожлантириш бўйича тизимли дастурий таъминотни жорий этиш ва кузатиб боришда иштирок этиш.

5. Амалий чора-тадбирлар режасининг масъул ижрочилари қуйидагиларни таъминлайди:

Концепцияни амалга оширишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда киритиш;

белгиланган муддатларга ва иш ҳажмларига мувофиқ тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш;

Амалий чора-тадбирлар режасидаги тадбирларни амалга ошириш учун мўлжалланган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

Амалий чора-тадбирлар режасининг амалга оширилиши тўғрисида ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига ахборотларни тақдим этиш.

6. Концепцияни амалга ошириш бўйича тадбирларни молиялаштириш молиявий, технологик ва бошқарув ресурсларини, шунингдек, давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида хусусий сектор ресурсларини жалб қилиш йўли билан бажарилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари ва кредитлари, жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хайрия эҳсонлари, қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар Концепцияни амалга оширишни молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

7. Ушбу Концепцияни инновацион барқарор ривожлантириш мақсадларида амалга ошириш учун қуйидаги 4 босқичли моделдан фойдаланиш тавсия этилади:

1-босқич: 2019-2021 йиллар – базавий линияни аниқлаш – ҳудуднинг профилини шакллантириш, мавжуд инфратузилмани баҳолаш, ривожланиш индикаторларини аниқлаш, мавжуд активлар, мавжуд муаммолар ва эришилган муваффақиятларни таҳлил қилиш;

2-босқич: 2022-2024 йиллар – “Ақли шаҳар” Концепциясини жорий қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш – манфаатдор томонларни жалб қилиш, тадбирлар йўналишлари ва режаларни аниқлаш, хатарларни баҳолаш, молиявий стратегияни шакллантириш, мақсад ва самарадорликнинг асосий кўрсаткичларини белгилаш;

3-босқич: 2025-2027 йиллар – батафсил режалаштириш – бюджетлаштириш, самарадорлик истиқболлари, автоматлаштириш имкониятларини аниқлаш ва ахборот тизимларини жорий қилиш;

4-босқич: 2027-2030 йиллар – самарадорликни амалга ошириш ва баҳолаш – биргаликда (барча манфаатдор томонлар билан бирга) жорий қилиш, самарадорликни мониторинг қилиш, баҳолаш ва қайта баҳолаш (трендлар, инвестиция параметрларини таҳлил қилиш), жойлаштиришни таъминлаш (кенгайтириш).

#### **4-боб. Концепцияни амалга ошириш бўйича кутилаётган натижалар**

Ушбу Концепцияни амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш кўзда тутилади:

мавжуд барча шакллардаги таълим ва малака оширишни кенгайтириш орқали, шу жумладан интернет тармоғи ёрдамида шаҳар аҳолисининг билим даражасини ошириш;

шаҳар хизматлари ва давлат органлари билан ҳамкорликда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали аҳолининг фаоллигини ошириш;

энергетиянинг барқарорлигини ошириш, сарф ва харажатларни камайтириш;

энергия ресурслари тақсимоли ва истеъмоли самарадорлигини ошириш;

истеъмолчилар учун хизматларнинг сифати, самарадорлиги ва интeрактивлигини ошириш, шунингдек, алоҳида тарифларни қўллаш имкониятини яхшилаш;

келажакда инновацион технологияларни қўллаш муҳитини яратиш;

сув сарфи ва сув таъминотидаги узилишларни камайтириш, оқова сувларни тозалаш сифатини ошириш ва қаттиқ чиқиндиларнинг утилизация қилинишини яхшилаш;

аҳолига шаҳар хизматлари кўрсатиш харажатларини камайтириш ва аҳолининг кўрсатилган хизматлар учун қарздорлигини қисқартириш;

фавқулодда вазиятлар ва жиноий ҳолатларга жавоб кайтариш вақтини қисқартириш, жиноятчиликни ва жабрланганлар сонини камайтириш;

транспорт инфратузилмасининг тирбандлигини камайтириш;

йўллар ва тўхташ жойларига хизмат кўрсатишда иқтисод қилишни таъминлаш;

пиёдалар ва жамоат транспорти фойдаланувчилари учун мобил қулайликни яхшилаш.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 18 январдаги 48-сон қарорига  
2-илова

**2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш концепциясини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси**

т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
<b>1. “Ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш соҳасида илмий-тадқиқотларни ва инновацион ишларни амалга ошириш</b>				
1.	<p>“Ақлли шаҳар” технологиясини жорий этиш соҳасида қуйидагиларга йўналтирилган илмий тадқиқотлар ва инновацион ишларни ўтказиш:</p> <p>асосий йўналишни белгилаш – ҳудуд профилини шакллантириш, тааллуқли инфратузилмани баҳолаш, ривожланиш индикаторларини аниқлаш, жоиз активларни, амалдаги синовларни ва ютуқлар тарихини таҳлил қилиш;</p> <p>“ақлли шаҳар” концепциясини жорий этиш стратегиясини ишлаб чиқиш – манфаатдор томонларни жалб қилиш, чора-тадбирлар ва режалар йўналишларини белгилаш, таваккалчиликларни баҳолаш, молия стратегиясини шакллантириш, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI) ва мақсадларни</p>	<p>Давлат илмий-техника дастурлари доирасида илмий тадқиқотлар ўтказиш.</p> <p>Тегишли вазирликлар ва идораларга тавсиялар киритиш.</p>	2019-2021 йиллар	Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
	<p>белгилаш; тафсилотли режалаштириш – бюджетлаш, самарадорлик прогнози, автоматизациялаш ва ахборот тизимларини жорий этиш имкониятларини аниқлаш; жорий этиш ва самарадорликни баҳолаш – ҳамкорликда (барча манфаатдор томонлар билан биргаликда) жорий этиш, самарадорлик мониторингини ўтказиш, баҳолаш ва қайта баҳолаш (КРІни кузатиб бориш, трендлар, инвестицион кўрсаткичларни таҳлил қилиш), кенгайтирилиш (экспансия)ни таъминлаш.</p>			
<b>2. “Ақлли шаҳар” технологиясини жорий этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш</b>				
2.	<p>Ўзбекистон Республикасида “ақлли” шаҳарларни ривожлантириш кўрсаткичлари тизимини ва унинг самарадорлигини баҳолаш услубини халқаро стандартлар талаблари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқиш.</p>	<p>Ўзбекистонда “Ақлли шаҳар” концепциясини амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш услуби ва воситаларини белгиловчи Давлат стандартларини ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар дастурини халқаро стандартлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	2019 йил ноябрь	<p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги, Давлат автомобиль йўллари қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар</p>

т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш мuddатлари	Масъул ижрочилар
				ҳокимликлари, “Ўзстандарт” агентлиги
3.	“Ақлли шаҳар” концепциясини амалга оширишнинг ҳуқуқий таъминоти.	<p>“Ақлли шаҳар” концепциясини амалга оширишнинг ҳуқуқий таъминоти куйидагиларни назарда тутди:</p> <p>“Ақлли шаҳар” концепцияси натижаларига эришишга кўмаклашувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тааллуқли ўзгартиришлар киритиш.</p>	2019-2021 йиллар	Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
<b>3. “Ақлли шаҳар” технологик ечимларини жорий этиш</b>				
<b>3.1. “Ақлли транспорт”</b>				
4.	<p>Транспорт оқимларини бошқариш, жамоат транспортини бошқариш самарадорлиги ва хавфсизлиги, транспорт оқимини оптималлаштириш ва экологик йўқотишларни камайтириш тизимларини ташкил этиш.</p>	<p>1. Манфаатдор вазирликлар ва идоралар мутахассислари орасидан муассасалараро ишчи гуруҳни ташкил этиш.</p> <p>2. “Ақлли шаҳар” технологиясини жорий этиш доирасида Транспорт ҳаракатини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Транспорт оқимларини ва интеллектуал транспорт-логистика тизимларини бошқариш тизимларини ташкил этиш, жамоат транспортини бошқариш учун сенсорлар (датчиклар) ва ихтисослаштирилган дастурий таъминотни жорий этиш.</p> <p>4. Транспорт ҳаракати тўғрисида ахборот билан таъминловчи инфратузилма билан</p>	<p>2019 йил январь</p> <p>2019 йил март</p> <p>2019-2020 йиллар</p> <p>2019-2020 йиллар</p>	<p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат автомобиль йўллари қўмитаси, Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>

т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
		<p>жиҳозланган юқори тезликка мўлжалланган автотранспорт йўлаклари тармоғини ташкил этиш.</p> <p>5. Ҳайдовчиларни ахборот таблолари, радио-хизматлар, веб-сайтлар воситасида хабардор қилиш тизимини татбиқ қилиш орқали ҳаракат хавфсизлигини ошириш, шунингдек компьютерли йўл ҳаракати, видеокузатув, йўл ҳаракати қоидаларини бузувчиларни фото ва видео қайд этиш ҳамда ноҳуш ҳодисаларни автоматик равишда аниқлаш тизимларини жорий этиш.</p> <p>6. “Ақлли паркинг” ва “Ақлли тўхташ” технологик тизимини ташкил этиш.</p> <p>7. Янги экологик талабларни, экологик назоратнинг автоматлаштирилган кўчма тизимларини, транспорт оқимлари ҳаракатининг энергиянинг самарали режимларини, муайян зоналарда транспорт ҳаракатини чеклаш тизимини жорий этиш ҳисобига экологик йўқотишларни камайтириш.</p> <p>8. Ақлли светофорларни, электрон таблоларни, йўловчиларни хабардор қилиш тизимини, спутникли навигация тизимларини, бошқарувни автоматлаштириш ва йўловчилар ташишни тартибга солиш тизимларини, транспорт турлари (автобуслар, метро, трамвайлар, троллейбуслар, маршрут таксилари) ўртасида интеграцияланган йўлқира учун электрон тўлов тизимларини жорий этиш</p>	<p>2019-2020 йиллар</p> <p>2019-2020 йиллар</p> <p>2019-2020 йиллар</p> <p>2019-2020 йиллар</p>	

т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
		орқали транспорт оқимини оптималлаш.		
<b>3.2. “Ақлли таълим”</b>				
5.	Таълим соҳасида таълим онлайн-платформалари ва оммавий очик онлайн-курслар томонидан илгари суриладиган технологик ечимлар тўпламини ўз ичига оладиган инновацион фаолиятни, виртуал реаллик билан тўлдирилган визуализация ва масофадан туриб фойдаланишнинг илгор технологияларини кучайтириш.	<p>1. Таълим онлайн-платформалари ва оммавий очик онлайн-курслар, визуализация ва масофадан туриб фойдаланишнинг илгор технологияларини ташкил этиш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш.</p> <p>2. Олий умумтаълим муассасаларида кузатиш камераларини ўрнатиш бўйича керакли ҳукукий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар тайёрлаш.</p>	<p>2019 йил июнь</p> <p>2020 йил январь</p>	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
<b>3.3. “Ақлли тиббиёт”</b>				
6.	Аҳолига тиббий хизматлар кўрсатишнинг ахборот иловаси (мижознинг электрон тиббий картаси, электрон рецептлар, диспансеризация, ҳомиладорларни ҳисобга қўйиш ва ҳ.к.) тўлиқ цикли автоматлаштириладиган марказлаштирилган тизимни жорий этишга кўмаклашадиган шароитларни яратиш.	<p>1. “Ақлли шаҳар” технологиясини жорий этиш доирасида Тиббий хизматларни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Ақлли тиббий тизимлар соҳасида куйидагиларни назарда тутувчи синов лойиҳасини амалга ошириш:</p> <p>мижозларнинг ягона электрон маълумотлар базаси;</p> <p>тармоқ тиббий карталарини юритиш;</p> <p>масофадан туриб ташхис қўйиш;</p> <p>виртуал диспансеризация;</p> <p>виртуал беморга хизмат кўрсатиш;</p> <p>телеметрия ва симсиз алоқадан фойдаланиб бевосита уйда тиббий ёрдам кўрсатиш;</p> <p>илмий-асосли тиббиёт (телекоммуникация соҳасида сохта-интеллект ва техник янгиликлар асосида қурилмалардан фойдаланиш);</p>	<p>2019 йил сентябрь</p> <p>2019-2021 йиллар</p>	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар



т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
		<p>даволаш натижасига асосланган хизматлар тўлови (шифокор қабулига боришлар сони эмас, балки эришилган натижа бўйича тўланади);</p> <p>компьютер тармоқлари имкониятларидан фойдаланишга асосланган шифокорлик амалиёти.</p>		
<b>3.4. “Ақлли энергетика тизими”</b>				
7.	<p>Энергияни ишлаб чиқариш, энергия инфратузилмаси ва сарфланиши сервис, истеъмолчилар ва технологияларни рағбатлантириш орқали интеграцияланадиган ва ўзаро мувофиқлаштириладиган барқарор, иқтисодий жиҳатдан самарали ва ишончли энергетика тизимини жорий этиш.</p>	<p>1. Электр тармоқлари объектларининг самарали бошқарувини таъминлаш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Автоматлаштирилган интеллектуал тармоқлар ва мослашувчан тақсимлаш тизимларини жорий этиш.</p> <p>3. Бинолар қурилишида мавжуд қувватларни модернизациялаш ва замонавий энергиянинг тежамли ва хавфсиз энергия технологияларини жорий этишга қаратилган лойиҳаларни ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Энергетика менежменти стандартлари ва тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.</p>	<p>2019 йил июнь</p> <p>2019-2021 йиллар</p> <p>2019-2021 йиллар</p> <p>2020 йил июнь</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Ўзбекэнерго” АЖ, Қурилиш вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги</p>
<b>3.5. “Ақлли сув таъминоти ва оқовани чиқариб ташлаш тизими”</b>				
8.	<p>Сув таъминоти ва оқовани чиқариб ташлаш бошқарувининг амалдаги механизмлари самарадорлигини таҳлил қилиш.</p>	<p>1. Онлайн-гидравлик моделлар асосида технологик ечимларни жорий этиш бўйича тавсия берувчи меъёрларни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. “Ақлли сув таъминоти ва оқовани чиқариб ташлаш тизими” соҳасида тажриба-синов(пилот) лойиҳаларини жорий этиш.</p>	<p>2019 йил август</p> <p>2019-2020 йиллар</p>	<p>Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва</p>

т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
<b>3.6. “Ақлли уй-жой-коммунал хўжалиги”</b>				
9.	<p>Қуйидагиларни таъминлаш учун технологиялар, иловалар, ахборот тизимлари мажмуини яратиш, ақлли ҳисоблаш ускуналари (smart-счётчиклар)ни жорий этиш;</p> <p>ёнилғи-энергетик ресурслар (кейинги ўринларда ЁЭР деб аталади) ва коммунал ресурслар ҳамда уларни етказиб берувчилар ўртасида маълумотларни алмашиш;</p> <p>ЁЭР мониторингини амалга ошириш;</p> <p>энергия ресурслари ўғирланишини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш;</p> <p>энергия самарадорлигини ошириш;</p> <p>фойдаланувчи қурилмасига уйнинг энергия таъминоти тизими ишлаши тўғрисида ахборот узатиш.</p>	<p>1. “Ақлли шаҳар” технологиясини жорий этиш доирасида ЁЭР, коммунал ресурслар ва хизматлар кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Етказиб берувчиларни аниқлаш, тендер савдоларини ўтказиш ва “Ақлли шаҳар” мажмуини ташкил этиш бўйича лойиҳани амалга ошириш учун контрактлар тузиш.</p>	<p>2020 йил январь</p> <p>2020 йил январь</p> <p>2021 йил декабрь</p>	<p>Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
<b>3.7. “Ақлли қурилиш”</b>				
10.	<p>Қурилиш мажмуасида биноларни лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш жараёнига технологик ечимларни жорий этиш. Янги биноларни “ақлли муҳит” технологияси ва энергия</p>	<p>1. Шаҳарсозлик меъёрларини, қурилиш объекти ҳолати жорий кўрсаткичларининг инвестиция асослари тасдиқланган кўрсаткичларига мувофиқлигини узлуксиз назорат қилиш имконини берадиган технологиялар, шу жумладан ахборот-моделлаш</p>	<p>2021 йил март</p>	<p>Қурилиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги</p>

т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
	самарадорлиги талаблари ҳисобга олинган ҳолда қуриш.	<p>технологияларининг қўлланиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. “Ақлли шаҳар” лойиҳаларининг муҳандислик-коммуникацион ва ижтимоий инфратузилмасига талабларни ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда бинолар ва иншоотлардан фойдаланиш учун керакли ишлар бажарилишига ва хизматлар кўрсатилишига энг юқори харажатларни рақамли технологиялар қўлланилган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш, қайд этилган харажатлар тўғрилигини инвестицияларни асослаш аудити доирасида текшириш услубларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>4. Замоनावий ва самарали уй-жой ҳамда замоनावий кўчмас мулк объектларини қуриш стандартларини ишлаб чиқиш.</p> <p>5. Ахборот-коммуникация технологияларини моделлаштириш технологияларини (Building Information Modelin, BIM) жорий этиш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқиш.</p>	<p>2021 йил апрель</p> <p>2021 йил ноябрь</p> <p>2021 йил декабрь</p> <p>2021 йил декабрь</p>	<p>Қурилиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги</p> <p>Қурилиш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси</p> <p>Қурилиш вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги</p> <p>Қурилиш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги</p>
<b>3.8. “Ақлли ҳокимият”</b>				
11.	Шаҳар хизматлари ахборот тизимлари мажмуини ривожлантириш бўйича аҳолига хизмат кўрсатиш	Барча шаҳар хизматлари бўйича аризалар бериш ягона портални ташкил этиш: коммунал хизматлар (диспетчерлик маркази	2019-2020 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва

т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
	(ариза беришдан тўлиқ ижрогача) жараёнларини мониторинг қилиш имкониятига эга пилот лойиҳаларни амалга ошириш.	ва аризалар бажарилишини ҳисобга қўйиш, мониторингини ўтказиш тизими); шаҳарни ёритиш хизмати.		Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
12.	Жамоат жойлари ва транспорти учун симсиз тизимлар ва қурилмаларни жорий этиш учун шароитлар яратиш.	Симсиз тизимлар ва қурилмаларни (wi-fi бепул нуқталарини) ташкил этиш: жамоат жойларида – бозорлар, таълим ва даволаш-соғломлаштириш муассасалари, дам олиш зоналари, маданий, кўнгилочар ва спорт муассасалари; жамоат транспортида – автобуслар, микроавтобуслар салонларида йўловчиларни ташиш амалга оширилишида, троллейбуслар, такси ва шаҳар рельсли транспорти (трамвай, метро); туризм объектларида – меҳмонхоналар, музейлар, галереялар, арт-кафе, шаҳар тарихий-меъморий мажмуалари, хиёбонлар, қўриқхоналар, ботаника боғлари, ҳайвонот боғлари ва ҳ.к.	2019-2020 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат туризмни ривожлантириш қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
13.	Талаб қилинадиган давлат электрон хизматларини шакллантириш учун “Ақлли шаҳар” мажмуаси ахборот тизимларини “Электрон ҳукумат” тизими билан босқичма-босқич интеграциялаш.	1. Чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш. 2. Давлат органлари ва фуқароларнинг хизматлар тез кўрсатилишини, фойдаланиш оддийлигини, давлат хизматларидан фойдаланиш қулайлигини таъминлайдиган ўзаро ҳамкорлиги. 3. Давлат органлари ва бизнеснинг мувофиқлаштириш жараёнларидан ўтишни тезлаштириш, қоғоз ҳужжатлардан фойдаланиш	2019 йил июнь 2019-2020 йиллар 2019-2020 йиллар	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар

т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
		<p>заруратини истино қилиш ҳамда керакли ахборотни тўплаш ва ишлаш жараёнини жадаллаштириш имконини берадиган ўзаро ҳамкорлиги.</p> <p>4. Давлат органларининг замонавий технологиялар ёрдамида давлат органлари ўртасидаги ички ва ташқи алоқаларни такомиллаштириш имконини берадиган ўзаро ҳамкорлиги.</p>	2019-2020 йиллар	
14.	<p>Канализация инфратузилмасини мониторинг қилиш ва бошқаришга ҳамда маиший, саноат чиқиндиларини утилизация қилишга ёрдам берадиган технологиялар, иловалар, ахборот тизимларини жорий этиш учун шароитлар яратиш.</p>	<p>1. “Ақлли шаҳар” технологиясини жорий этиш доирасида маиший, саноат чиқиндиларини утилизация қилиш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Бизнес-жараёнларда чиқиндилар билан ишлаш соҳасида рақамли технологиялардан фойдаланишни ташкил этишни иқтисодий рағбатлантириш бўйича аниқ иловаларни киритиш.</p>	<p>2020 йил январь</p> <p>2020 йил июнь</p>	<p>Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
<b>3.9. “Ақлли маҳалла”</b>				
15.	<p>Шаҳар ва аҳоли турмуш сифатини ошириш, қулайлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек харажатларини оптималлаштириш мақсадида мавжуд инфратузилмалар даражасини ривожлантириш.</p>	<p>1. Электрон овоз бериш ахборот тизимларини жорий этиш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Рақамли сервисларни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш: кўп квартиралли уйларда уй-жой эгаларининг электрон овоз беришлари, ижтимоий мақсадларга мўлжалланган нафақалар ажратиш бўйича қарорлар қабул қилиш.</p>	<p>2019 йил декабрь</p> <p>2020 йил август</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар</p>
16.	<p>“Ақлли шаҳар” технологиясини жорий этиш орқали ижтимоий инфратузилма ҳолатини яхшилаш.</p>	<p>1. Кўчалар, шунингдек ўйин зоналари ва жамоат дам олиш жойларини ёритиш учун “НЭК” АЖ сертификация органларида</p>	2019 йил сентябрь	<p>Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Қорақалпоғистон</p>

т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
		<p>сертификациядан ўтган компанияларнинг ёруғлик диодли лампаларини жорий этиш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Сарфланишига қараб, сувни иситиш учун қуёш коллекторларидан фойдаланиш.</p> <p>3. Иссиқлик таъминоти бўйича барча камчиликлар бартараф этилган ҳолда бинолар ва иншоотларнинг энергия аудитини ўтказиш.</p> <p>4. Кўчаларни ҳаракатланиш ва ёритиш тизими ростилашини автоматик даражалаш датчикларини ўз ичига олган ёритиш тизимлари ҳамда онлайн режимида ишлайдиган сув таъминоти ва электр таъминотини ҳисоблаш ускуналари билан таъминлаш.</p> <p>5. Хоналарни иситиш учун қуёш вакуумли коллекторларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.</p> <p>6. Замонавий энергия тежайдиган деразалар, эшиклар, хоналарни иситиш тизимлари ва шу кабиларни ўрнатиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.</p>	<p>2019-2021 йиллар</p> <p>2019-2021 йиллар</p> <p>2019-2021 йиллар</p> <p>2019 йил август</p> <p>2019 йил август</p>	<p>Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
<b>3.10. “Ақлли уй”</b>				
17.	<p>Уйда, офисда, квартирада ёки бинода датчиклар, бошқарувчи қисмлар ва ижро қурилмаларини ўз ичига оладиган ягона бошқарув тизимини яратиш.</p>	<p>1. Уйда, офисда, квартирада ёки бинода датчиклар, бошқарувчи қисмлар ва ижро қурилмаларини ўз ичига оладиган ягона бошқарув тизимини жорий этиш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Барча янги қуриладиган кўп қаватли уйларда ва жамоат биноларида “ақлли уй/бино” технологиялари: смарт-счётчиклар, тутун</p>	<p>2019 йил ноябрь</p> <p>2019-2021 йиллар</p>	<p>Қурилиш вазирлиги, Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар</p>

т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
		<p>чиқишдан огоҳлантирувчи датчиклар, энергия тежамли диод ёритиш лампалари, қуёш панеллари, қуёш нури билан иситувчи қурилмалар ўрнатиш.</p> <p>3. Сув, газ сирқиб чиқиши, авария вазиятларида электр тармоғида авария датчиклари ва сенсорларини жорий этиш.</p>	2019-2021 йиллар	Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
<b>4. “Ақлли шаҳар” мажмуасининг техник воситалари ва бошқа таркибий қисмларини ишлаб чиқариш</b>				
18.	Хорижий мамлакатлар тажрибасига асосланиб, “Ақлли шаҳар” мажмуасининг техник воситалари ва бошқа таркибий қисмлари ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш имкониятларини ўрганиш.	“Ақлли шаҳар” мажмуасининг техник воситалари ва бошқа таркибий қисмлари ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш.	2019 йил апрель	Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Ўзтрансгаз” АЖ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
<b>5. “Ақлли шаҳар” Концепциясини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ҳамда уни илгари суриш ва тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирларни ташкиллаштириш</b>				
19.	“Ақлли шаҳар” мажмуаси Концепциясининг аҳоли ўртасида тарғиб қилинишини қуйидагилар назарда тутилган ҳолда ташкиллаштириш: босма нашрларда, интернет тармоқларида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар, ижтимоий видеороликлар, таҳлилий мақолалар тайёрлаш;	“Ақлли шаҳар” мажмуаси Концепциясини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш режа-жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2019-2021 йиллар	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
	кўча баннерларида, оммавий ижтимоий тармоқларда тегишли материалларни жойлаштириш.			